

## “DOING BUSINESS”: ЎЗБЕКИСТОН ҚАЧОН ЮКСАЛАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2019 йил 5 февралдаги “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари билан Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида мамлакатимизнинг рейтингини янада яхшилаш бўйича «Йўл харитаси» ва 2022 йилга келиб республиканинг 20-ўринга эришишини назарда тутувчи Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси рейтингини яхшилашнинг «Бизнес юритишни яхшилаш — 2022» мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди.

*Маълумот учун:*

*Сўнгги 5 йил давомида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш – Doing Business” рейтингиди дунёнинг 190 давлати орасида Ўзбекистон 146-дан 76-ўринга кўтарилди.*

Қуйида турли индикаторлар бўйича 2018 йилда ва 2019 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистонда амалга оширилган салмоқли ишлар ва ислохотлар ҳамда кутилаётган ўзгаришлар ҳақида тўхталмоқчимиз.

**“Корхонани ташкил этиш”** индикатори бўйича йилларда:

— Ўзбекистон Республикаси резидентлари ҳисобланган юридик шахсларга ва яққа тартибдаги тадбиркорларга уларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида банк ҳисоб рақамларини **масофадан туриб очиш** имкониятлари яратилди.

Бу билан тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг вақт ва маблағ сарфлаб тижорат банкларига ҳисоб рақамини очиш учун алоҳида муурожаат қилишига барҳам берилди.

— Давлат идораларига тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларга **муҳр босишни** ва **штамп** билан тасдиқлашни талаб қилиш **тақиқланди**. Эндиликда тадбиркорлик субъектлари муҳр ва штамп ясатиш учун ортиқча вақт ва маблағ сарфлашмайди.

**“Қурилиш учун рухсатномалар олиш”** индикатори. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 май ва 30 июндаги Қарорларига мувофиқ, тадбиркорлик субъектларининг ер участкаси олиб, қурилиш ишлари қилишлари учун қулай имкониятлар яратилди. Шунингдек:

— Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ерларни доимий фойдаланишга бериш “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончаси орқали йўлга қўйилди.

2018 йил 1 июндан тадбиркорлик субъектлари томонидан **топографик сьёмка қилиш** ва ернинг аниқ жойини рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга

оширилиши **бекор қилинди**, сабаби, ушбу ишлар Давергеодезкадастр қўмитаси томонидан аукцион ўтказгунга қадар амалга оширилмоқда.

— Қурилиш учун **техник шартларни олиш** учун ариза хўжалик юритувчи субъект томонидан эмас, балки хўжалик юритувчи субъект томонидан давлат хизматларини кўрсатиш марказлари орқали архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш учун ариза берганида ҳудудий қурилиш органи томонидан тақдим этилиши амалиёти йўлга қўйилди.

— 2018 йил 1 июндан **архитектура – режалаштириш топшириғини** ишлаб чиқилиши давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилиши “Doing Business-2019” ҳисоботида келтирилган процедуралар сонининг ва муддатларнинг бир неча бараварга **қисқаришига** олиб келади.

Жумладан, тадбиркор томонидан **сув ва оқова сув, канализация, электр энергия** ва бошқалар учун маҳаллий органлардан лойиҳани маъқуллаш учун сўров жўнатиш ва уни тасдиқлатиш ишлари **бекор қилинди**.

— Қурилиш объектига **сув ва оқова сув, канализация тизими**га уланиш эндиликда давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилиши белгиланди. Натижада ушбу рухсатномани олиш ишлари атиги 20 273 сўм эвазига **3 иш кун**ида бажариладиган бўлди.

— 2019 йил 1 мартдан **қурилиш монтаж ишларининг** бошланиши ҳақида хабардор қилиш механизмини жорий этиш орқали уларни амалга ошириш учун рухсатнома олиш **бекор қилинди**.

— Қурилиши (реконструкцияси) тугалланган бино ва иншоотларни **фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси** ҳам давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилиши имконияти яратилиб, эндиликда тадбиркор қурилиш якунланганидан сўнг ортикча овозагарчиликларсиз давлат хизматлари марказига ариза бериш орқали далолатномани, ҳатто давлат хизматлари марказига бормасдан **электрон тарзда** олиши мумкин бўлди.

Умуман, шу вақтга қадар жами процедуралар сонини **17 тадан 10 тага**, сарфланадиган муддатни **246 кундан 86 кунга** камайтиришга эришилди.

“**Электр таъминоти тизими**га уланиш” индикатори. Электр таъминоти тизимига доимий равишда уланиш учун зарур бўлган босқичлар сони **4 тадан 2 тага** қисқартирилди. Жумладан,

— электр таъминоти ва қурилиш-монтаж ишлари лойиҳаси учун **техник шартлар берилиши, уни ишлаб чиқилиши ва маъқулланиши** Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги Қарорига мувофиқ, 2018 йил 1 июндан **архитектура – режалаштириш топшириғи** ишлаб чиқилиши жараёнида амалга оширилмоқда.

— **қурилиш-монтаж ишларини** амалга оширилиши **муддатлари қисқарди**, сабаби техник ҳужжатларни тайёрлаш ишлари объектни қуришдан олдин лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда амалга ошириладиган бўлди.

“**Мулкни рўйхатдан ўтказиш**” индикатори:

— 2019 йил 1 январдан бошлаб кўчмас мулкка тегишли ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларни ваколатли органлардан **идоралараро ахборот тизимлари** орқали қабул қилиш йўлга қўйилди, ахборот тизимига маҳаллий

давлат ҳоқимияти, нотариал идоралар, МИБ ва Қурилиш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари уланди;

— Ҳуқуқ тури ёки мулкдори ўзгарган ҳолатда техник инвентаризациядан ўтказиш талабини бекор қилиш, кўчмас мулкнинг жорий параметрларини янгилаш мақсадида техник инвентаризациядан ўтказиш **фақат мулкдор талабига** биноан амалга оширилиш тартиби жорий этилди;

— Давлат реестрида мавжуд бўлган маълумотларни интернет тармоғида жойлаштириш орқали тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган кўчмас мулклар тўғрисида **маълумотларнинг очиқлигига** эришилди;

— Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши мавжудлиги кўрсатилган ҳолда, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва улар билан боғлиқ битимлар давлат реестридан **реал вақт режимида** кўчирма бериш ва кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқлар ва улар билан боғлиқ битимлар давлат реестрида мавжуд маълумотларни масофадан туриб **электрон тарзда актуаллаштириш** имконияти яратилди;

— Кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги **қоғоз шаклидаги гувоҳномалар** бериш тартиби **бекор қилинди**;

— Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги **низоларни судгача ҳал этишнинг** мустақил механизми яратилди;

— Бино ва иншоотлар давлат кадастри ва Давлат ер кадастридаги мавжуд маълумотларни рақамли кўринишга ўтказишни таъминлаган ҳолда, Миллий географик ахборот тизими ва **Давлат кадастрлари ягона тизимини** яратиш ишлари якунланди;

— Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш органи томонидан тасдиқланган ишончсиз маълумотлар асосида, кўчмас мулк битимини **ҳалол тузган тарафларга** етказилган зарарни қоплаш механизми яратилди.

Натижада, кейинги йил ҳисоботида кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказишдаги процедуралар сони **9 тадан 1 тага**, сарфланадиган вақт **46 кундан 2 кунга**, сарфланадиган харажатлар кўчмас мулк қийматига нисбатан **1,1 фоиздан 0 фоизга** туширилишига эришилиши кутилмоқда.

**“Кредит олиш”** индикатори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 ноябрдаги Қарорига мувофиқ, 2019 йил 1 январдан қуйидаги тартиблар жорий этилди:

— гаров билан таъминланмаган кредиторлар талабларини гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан қондириш қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда гаров реестрига қарздорнинг мол-мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ёзув киритилган санага кўра **календарь кетма-кетлигида** амалга оширилиши, бунда, ушбу тартиб қарздорнинг ҳисобварағидаги пул маблағлари унга қўйилган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда, пул маблағларини ҳисобдан чиқариш **навбатига татбиқ этилмаслиги** белгиланди;

— гаров реестрига қарздорнинг мол-мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ёзув киритган кредитор-гаровга олувчилар ўз талабларини қондиришда гаров

реестрига тегишли ёзувни киритмаган кредитор-гаровга олувчиларга нисбатан **устувор ҳуқуққа** эга бўлишлари белгиланди;

— мол-мулкни харид қилишни уни **таъминот сифатида қўйиш эвазига молиялаштирган** кредитор гаров реестрига тегишли ёзувни киритган тақдирда, ушбу мол-мулк ҳисобидан ўз талабларини қондиришда **устувор ҳуқуққа** эга бўлиши белгиланди;

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги Қарорига мувофиқ, юридик шахсларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборотларни олиш имконини берувчи давлат органлари ва кредит бюроси ўртасида маълумотларни қайта ишлаш ва электрон алмашиш **Ягона идоралараро ахборот тизими** яратилди.

Натижада, “Doing Business - 2020” ҳисоботида “Кредит операцияларини ҳимоя қилиш индекси”нинг **6 баллдан 10 баллга** кўтарилишига эришилиши кутилмоқда.

“**Миноритар акционерларни ҳимоя қилиш**” индикатори. 2019 йил 20 мартда қабул қилинган “Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга кўра миноритар акционерларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари янада мустаҳкамланди. Жумладан,

«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунга эмитентга икки иш куни мобайнида бошқа юридик шахсларнинг 5 ва ундан ортиқ фоиз акцияларига (улушларига, пайларига) эгаллиги бўйича фаолиятдаги муҳим фактларга оид маълумотларни (номини, жойлашувини, алоқа маълумотларини ўзгартириш, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ўзгартириш, кредит олиш ва бошқа) **Корпоратив ахборотнинг ягона порталига** ва ўзининг **расмий веб-сайтига** жойлаштирилиши ҳақида тегишли ўзгартириш киритилди. Бундан ташқари, аффилиланган шахслар билан тузилган битим тўғрисидаги маълумотларни Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ва ўзининг расмий веб-сайтида (**72 соат ичида**) маълум қилиниши белгиланди.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга эса:

— жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошладиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни **имтиёзли равишда** олиш ҳуқуқига эгаллиги;

— акциядорлар умумий йиғилиши томонидан мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида **қарор қабул қилиш** мумкинлиги;

— акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият фақат мазкур жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитасини ташкил этиши шартлиги, жамиятнинг ички аудит хизмати,

агар бундай хизмат мавжуд бўлса, ўз фаолиятида аудит қўмитасига **ҳисобдорлиги**;

— жамият кузатув кенгаши аудиторлик текширувини ўтказиш, аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан **шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш)** тўғрисида қарор қабул қилиши мумкинлиги ва бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонунга биноан:

— жамият иштирокчиларидан бирортаси томонидан сотилаётган улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда жамият иштирокчилари учинчи шахслар олдида **имтиёзли ҳуқуқдан** фойдаланиш имконияти яратилди;

— жамиятнинг устав фондидаги улушнинг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар шахс бунгача жамиятнинг устав фондидаги улушларга эгалик қилмаган ёки улушнинг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, миноритар иштирокчиларга улушларини **бозор қиймати** бўйича ўзига сотишни ўттиз кун ичида таклиф этиши шартлиги белгилаб қўйилди;

Умуман, миноритар акционерларни ҳимоя қилиш бўйича норматив ҳужжатларга киритилган жами ўзгартиришлар сони **28** тани ташкил этади, шундан **13** таси манфаатлар тўқнашувига оид, **6** таси акциядорлик жамиятлари ва яна **6** таси масъулияти чекланган жамиятлари бўйича янгиликлар амалга оширилди.

“Солиққа тортиш тизими” индикатори. Мамлакатимизда корхона ва ташкилотлар тўлаши лозим бўлган солиқ турлари сони ва ставкаси **қисқартирилди ва соддалаштирилди**, солиқ ва бошқа молиявий ҳисоботларни топшириш муддатлари **қисқартирилди**.

Шунингдек, 2018 йил учун амалда бўлган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китоби **соддалаштирилиб**, ҳисоб-китоб қисмида **37** та сатрдан **19** таси қисқартирилиб, **18** сатрдан иборат бўлди, иловалар **8** тага камайтирилди.

Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китоби иловалари сони **9** тадан **5** тага қисқартирилди, ҳисобварақ-фактуранинг соддалаштирилган шакли ҳам жорий қилинди.

2018 йил учун амалда бўлган акциз солиғи ҳисоб-китоби **15** варақдан иборат бўлган бўлса, 2019 йилда амалиётга жорий этилган **5** варақдан иборат бўлган янги ҳисоб-китоб шакли ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон Қарорига асосан, **8** турдаги фойдали қазилмалар учун энг кам солиқ миқдори жорий этилиши ҳисобига солиқ суммасини солиқ ставкасидан ёки энг кам солиқ миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланиши назарда тутилди.

Натижада, “Doing Business — 2019” ҳисоботида келтирилган солиқ тўловлари сони **10** тадан **8** тага, сарфланадиган муддат эса **181** соатдан **160** соатга камайтирилди. Корхона ва ташкилотларга тушадиган солиқ юки корхона даромадига нисбатан **32,1** фоиздан **29,7** фоизга камайишига эришилди.

“Халқаро савдо” индикатори. 2018 йил 1 июндан бошлаб қуйидаги тартиблар ҳам **бекор қилинди**:

— божхона брокери сифатида ишлашга рухсатнома бериш тартиби ва божхона худудида ёки ундан ташқарида товарларни қайта ишлаш учун реализация қилиш тўғрисида тегишли давлат органидан хулоса олиш;

— **10** турдаги давлат божхона хизмати томонидан бериладиган рухсатномалар;

— давлат божхона хизматидаги барча товарлар учун экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш;

— экспорт қилинаётган мева ва сабзавот маҳсулотларини мажбурий божхона кўригидан ўтказиш;

— божхона органларига ТИФ ТН кодлари бўйича эксперт хулосаларини тақдим этиш;

— ИХРТ аъзо давлатларининг аккредитациядан ўтган органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификати бор товарлар учун Ўзбекистонга импорт қилинганда улар учун мажбурий мувофиқлик сертификати олиниши ва бошқалар;

Тадбиркорлик субъектлари томонидан товарларни божхона режимига жойлаштириш учун рухсатномасиз декларация бериш имконияти яратилди.

2018 йил 1 июндан бошлаб ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари божхона декларациясини божхона органларига **божхона брокерларига** мурожаат қилмасдан интернет орқали реал вақт режимида тўлдиришлари ва топширишлари мумкин.

Шунингдек, божхона органларига келадиган божхона декларацияларини ахборот тизимида автоматик режимда рўйхатдан ўтказиш имкониятлари яратилди.

2018 йил 1 сентябрдан бошлаб божхона қўмитаси сайтида товарларнинг ҳаракатланишини тартибга солувчи барча норматив ҳужжатлар тўғрисида, товарларни божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган ҳужжатлар, божхона ставкалари бўйича реал вақт режимида бепул олиш имконини берувчи замонавий “**Интеграллашган тариф**” интерактив хизмати жорий этилди.

Божхона расмийлаштируви жараёнларини автоматлаштириш натижасида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан юкларнинг божхона декларациясининг 99,9% электрон кўринишда тақдим этилмоқда. Юкларни божхона декларациясини рўйхатдан ўтказиш ва тақсимлаш ўртача 2 соатдан 5 дақиқагача пасайтиришга эришилди.

2018 йил 17 октябрдан бошлаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда божхона текширувидан ўтказмасдан амалга ошириш механизми жорий этилди.

2018 йил 1 декабрдан божхона назорати учун мўлжалланган “**Сарик йўлак**” ва “**Қизил йўлак**” автоматлаштирилган хавфларни бошқариш тизими жорий этилди. 2019 йилнинг 1 мартидан эса “**Яшил йўлак**” ва “**Кўк йўлак**” тизимлари бўйича ишлаш жорий этилди.

Натижада, божхона расмийлаштирувига сарфланган ўртача вақт: экспорт декларацияларини расмийлаштириш вақти **4,3** бараварга, импорт декларацияларини расмийлаштириш **2** бараварга камайишига эришилди.

**“Контрактлар ижросини таъминлаш”** индикатори. 2019 йилнинг 20 мартда “Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун имзоланди. Унга кўра, Иқтисодий процессуал кодексига:

— иқтисодий ишлар бўйича суд муҳокамаларида ошкораликни таъминлаш мақсадида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорларини тарафларнинг розилиги билан Олий суд расмий сайтида **мажбурий эълон қилиш**;

— иқтисодий судлар томонидан даъво суммаси кам миқдорда бўлган низоларни **соддалаштирилган тартибда** кўриш;

— ишда иштирок этувчи шахслар ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб **20 кундан кечиктирмаган муддатда** судга **ёзма фикр юбориш** ҳуқуқига эгаллиги;

— биринчи суд мажлисини ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб **20 кун** ичида ўтказиш кераклиги ҳақидаги қатор нормалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, 2019 йил 1 мартдан:

— иқтисодий судда низоларни ҳал қилиш усули сифатида **судгача мажлис ўтказиш** имконини берувчи тартиб;

— жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судларда, маъмурий ва иқтисодий судларда фуқаролар томонидан амалга ошириладиган барча тўловларни, шу жамладан давлат божини ҳисобга олиш ва тўлашнинг **ягона электрон тизими** жорий этилди.

“Медиация тўғрисида”ги Қонунга 2019 йил 20 мартда киритилган ўзгартиришларга кўра, 2019 йил 21 мартдан низо медиатив келишув билан медиация тартибида ҳал қилинган тақдирда, тўланган давлат **божи қайтариб берилиши** назарда тутилди.

“Контрактлар ижросини таъминлаш” соҳасида юқоридаги ва бошқа ислохотлар амалга оширилиши натижасида, даъвонинг киритилишидан тўловни амалга оширилгунгача бўлган муддат **225 кундан 144 кунга**, харажатлар даъво суммасига нисбатан **20,5 фоиздан 18,94 фоизга** камайиши, суд ишларини юритиш сифати индекси эса **6 баллдан 14,5 баллга** кўтарилиши кутилмоқда.

**“Тўловга лаёқатсизлик”** индикатори. 2018-2019 йилларда ушбу соҳада қатор ўзгаришлар ва янгиликлар жорий этилди. Жумладан, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгаришлар киритилди. Унда:

— қарздорнинг молиявий аҳволи ва (ёки) ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни кредиторнинг талабига кўра **ўн кунлик муддатда** тақдим этилиши;

— қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинганидан кейин қарздор билан муайян кредитор ёки ўзга шахс ўртасида тузилган битим, агар мазкур битим қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича айрим кредиторларнинг талаблари бошқа кредиторларнинг талабларига нисбатан афзалроқ қондирилишига олиб келса, ташқи бошқарувчининг ёки кредиторнинг аризасига биноан иқтисодий суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкинлиги келтирилган.

Шунингдек, “**Тўловга лаёқатсизлик**” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу қонун қабул қилиниши муносабати билан сарфланадиган муддатнинг 2 йилдан **1 йилу 3 ойлик** муддатга қисқариши, харажатлар — мулк қийматига нисбатан 10 фоиздан **6,8 фоизга** камайиши, норматив-ҳуқуқий базанинг самарадорлиги индекси 8 баллдан **15,5 баллга** кўтарилиши кутилмоқда.

Умуман, “Бизнес юритиш – Doing Business” рейтингида Ўзбекистоннинг имиджини юқори ўринга кўтариш бўйича ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўп эканини юқоридаги таҳлиллардан кўриш мумкин. Жумладан, барча индикаторлар бўйича ислоҳотлар мутаносиб олиб борилмаяпти, яъни қайсидир индекслар бўйича юқори кўрсаткичларга эришилган, яна қайсидир индекслар бўйича эса пастки ўринлардамиз. Бу камчиликларни бартараф этиш учун қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

**Биринчидан**, мамлакатимизда амалга оширилаётган солиқ ислоҳотларига қарамай, ҳозирги кунда солиқ тўлаш тизимининг мураккаблиги ва солиқ юки даражасининг юқорилигича қолмоқда.

Шу сабабдан, бу йил Давлат дастурида кўзда тутилган солиқ кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътибори қаратиш лозим:

- мамлакат миқёсида содда ва тушунарли солиқ тизимини жорий этиш;
- “ҳалол” солиқ тўловчиларни рағбатлантирувчи, солиқ тўламайдиган “ноҳалол” тадбиркорларни жазоловчи тизимни шакллантириш;
- низоларни самарали ҳал қилиш тизимини яратиш;
- солиқ тўловчилар билан солиқ ходимлари ўртасида минимал алоқани таъминловчи электрон солиқ тўлаш тизимини жорий этиш.

**Иккинчидан**, тадбиркорлик субъектлари учун ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ҳали ҳам жиддий чора-тадбирларга эҳтиёж сезилмоқда.

- Жумладан,
- божхона ставкалари ва процедураларини янада соддалаштириш лозим;
  - текшириш ва назоратни камайтириш, фуқаролар/тадбиркорлар ва божхона органлари ходимлари ўртасидаги алоқани минималлаштириш;
  - божхона хизмати фаолиятини жазоловчи, назорат қилувчи сифатида эмас, балки божхона хизмати “харидор (клиент)”га йўналтирилган тизимни жорий этиш.

**Учинчидан**, “корхонани ташкил этиш” соҳасида ҳам бир қатор қўшимча ислоҳотларни амалга ошириш муҳим:

- корхонани ташкил этиш процедуралари ва сарфланадиган муддатларни янада қисқартириш;



— ривожланган ҳорижий давлатлар, жумладан ИХРТ га аъзо давлатларда тегишли назоратдан ўтган маҳсулот ва хизмат турларига қўшимча лицензия ва сертификатларни олишни бекор қилиш тизимини жорий этиш;

— техник стандартлаштириш соҳасида ҳам ривожланган ҳорижий давлатлар, ИХРТ ва МДХ давлатлари стандартларини миллий стандартлари билан бирхиллаштириш, уларга қўшимча миллий техник стандартларни ишлаб чиқилишини бекор қилиш;

**Тўртинчидан**, “мулкни рўйхатдан ўтказиш” соҳасида янги замонавий услубларни жорий этиш лозим. Жумладан, мулкни рўйхатдан ўтказишда сарфланадиган процедуралар ва вақтни қисқартириш мақсадида, қўшимча маблағ ҳисобига қонун ва тартибларда белгиланган максимал муддатидан аввал рўйхатдан ўтказиш тизимини, шунингдек “VIP” хизматларини кўрсатиш тизимларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

**Бешинчидан**, “Doing Business” тадқиқотларига параллел равишда субрегионал тадқиқотларни амалга ошириш лозим. Бу эса “Doing Business” тадқиқотидаги ҳар бир индекс ва индикаторлар бўйича ушбу соҳага масъул давлат органларига кўринмаётган муаммоларни очиб беришига хизмат қилади.

**Олтинчидан**, маълумки, мамлакатимизда “Doing Business” рейтингда юқори кўрсаткичларга эришиш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш юзасидан кўплаб муҳокамалар, семинар ва форумлар ташкил этилмоқда. Ушбу тадбирларда мавжуд муаммолар кўтарилмоқда ва уларни ҳал қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиб, аниқ чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Бироқ, ушбу тадбирлар асосан “тор” доирада, яъни масъул давлат органлари, вазирлик, идоралар ва халқаро ташкилотлар иштирокида ташкил қилиниб, ушбу тадбирларнинг асосий иштирокчилари, яъни ушбу ислохотларнинг “истеъмолчилари” – тадбиркорлар, корхона, ташкилотлар ва уларга ҳуқуқий ва консалтинг хизматини амалга оширувчи фирмалар эътибордан четда қолмоқда. Ўз ўрнида бу қадар катта аудиторияни йиғиш ва улар билан муҳокама олиб бориш ҳам мураккаб жараёнدير.

Шуларни ҳисобга олиб, ҳар бир индикаторга масъул бўлган идора вакиллари билан тадбиркорлар ўртасида самарали алоқа ўрнатилиши, муаммоларни ўз вақтида муҳокама қилиниши ва таклифлар ишлаб чиқилиши мақсадида, “Doing Business” рейтингининг координациясига масъул бўлган вазирлик томонидан тадбиркорлар учун бу борада юзага келаётган турли тўсик ва муаммоларни республиканинг ҳоҳлаган ҳудудидан жўнатиш имконияти бўлган **онлайн-портал** яратиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу жараён мамлакатда умумий мақсадларга йўналтирилган бирдамликни ва яқиндан ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилади.

**Фуркат ЮНУСОВ,**  
**“Тараққиёт стратегияси” маркази лойиҳа координатори**